

**Риёзус солихийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан
хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1480-ҳадис**

1480 - وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا أَخَذَ مَضْجَعَهُ تَفَثَ فِي يَدَيْهِ، وَقَرَأَ بِالْمُعَوِّذَاتِ وَمَسَحَ بِهِمَا جَسَدَهُ. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 6319، م 2192].

وَفِي رِوَايَةٍ هُئِمَا: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا أَوَى إِلَى فِرَاشِهِ كُلَّ لَيْلَةٍ جَمَعَ كَفَّيْهِ، ثُمَّ نَفَثَ فِيهِمَا فَقَرَأَ فِيهِمَا: قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ، وَقُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ الْفَلَقِ، وَقُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ النَّاسِ، ثُمَّ مَسَحَ بِهِمَا مَا اسْتَطَاعَ مِنْ جَسَدِهِ، يَبْدَأُ بِهِمَا عَلَى رَأْسِهِ وَوَجْهِهِ، وَمَا أَقْبَلَ مِنْ جَسَدِهِ، يَفْعَلُ ذَلِكَ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 5017] هذه الرواية لم يروها الإمام مسلم، بل انفرد بها الإمام البخاري، ولعل مراد المصنف رحمه الله تعالى: أن أصل الحديث عند الإمام مسلم لا بخصوص هذا اللفظ.].

قال أهل اللغة: «النَّفَثُ» نَفْثٌ لَطِيفٌ بِلا رِيْقٍ.

1480. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ётоқларига ётганларида муъаввизотларни ўқир, сўнг қўлларига суфлаб, улар билан бутун баданларини силар эдилар».

Муттафақун алайҳ.

Икковларидан қилинган бошқа ривоятда:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар кеча жойларига ётганларида икки кафтларини жамлаб, уларга «Қул ҳуваллоҳу аҳад», «Қул аъзу бироббил фалақ» ва «Қул аъзу бироббин-нас»ларни ўқиб, дам солиб, баданларининг (қўллари) етган жойигача силар эдилар. Аввал бошлари ва юзларидан бошлардилар. Кейин баданларининг олд тарафига (ўтардилар). Буни уч марта бажарардилар».

Шарҳ: * «Муъаввизот» - луғатда «паноҳ сўраш маъносидаги зикр-дуолар» дегани бўлиб, Фалақ ва Ан-Нас суралари ёки Ихлос, Фалақ ва Ан-Нас сураларига нисбатан умумий ном сифатида ишлатилади. Баъзилар эса: «Муъаввизот» деганда Аллоҳдан турли касаллик ва офатлардан паноҳ сўраб айтиладиган сўзлар назарда тутилган», дейишади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар оқшом ётоқларига ётишдан олдин ва вужудларида қандайдир оғриқ ҳис қилган вақтларида муъаввизот деб аталган уч сурани ўқиб қўлларига суфлар, кейин бошидан бошлаб вужудларига суртганлари, у зотда оғриқ кучайган вақтда бу сураларни Оиша онамиз ўқиб Расулуллоҳнинг қўлларига суфлар ва баданларига суртганлари (Бухорий ривояти), шунингдек, юқоридаги ҳадисларнинг бирида бу сураларни эрталаб ва кечқурун ўқилиши тавсия қилинган эди. Бу уч суранинг барчаси «Қул» (айтгин) сўзи билан бошланади. Булардан биринчиси бўлган Ихлос сурасида исломнинг асоси бўлган Аллоҳнинг бирлиги (тавҳид) очиқ-ойдин ва энг чиройли шаклда тушунтирилган. Муъаввизотайн деб айтилган қолган икки сурада эса, Жаноби Ҳақнинг ибодат қилинадиган ёлғиз Зот эканлиги ва нималардан паноҳ сўраш керак эканлиги айтилган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам муъаввизотайн сураларининг аҳамияти ҳақида шундай деганлар: «Инсонлар бу икки сурадан бошқа фазилятлироқ нарса орқали Аллоҳдан паноҳ сўрай олмайди» (Насоий ривояти).

Ҳадисдан инсон дуо қилгандан кейин қўлларига суфлашнинг жоиз эканлигини ўрганамиз. Аллоҳдан паноҳ сўраш жуда катта эҳтиёждир. Ундан қандай қилиб паноҳ сўрашни энг яши билган шубҳасиз Расулуллоҳдирлар. Инсон тўшакка ётишдан олдин ҳамда вужудида оғриқ ҳис қилган вақтларда ушбу уч сурани ўқиб Аллоҳдан паноҳ тилаши керак.

Манба: hadis.islom.uz



